



**“Pandemiya sharoitida ta’lim tizmini
rivojlantirish imkoniyatlari”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy
konferensiya**

**Международная научно-практическая
конференция**

**«Возможности развития образования
в условиях пандемии»**

**International scientific-practical conference
"Opportunities for the development
of education in a pandemic"**

**Conférence internationale scientifique
et pratique**

**"Opportunités pour le développement
de l'éducation en cas de pandémie"**

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

CONFERENCE PROCEEDINGS

СБОРНИК СТАТЕЙ

“Pandemiya sharoitida ta’lim tizmini rivojlantirish imkoniyatlari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalari to’plami. 2020 yil 30 sentyabr. -Buxoro: 2020. (I- Qism)

Mazkur to’plamda 2020 yil 30 sentyabr kuni Buxoro viloyati turizmni rivojlantirish departamenti va Buxoro davlat universiteti Turizm va mehmonxona xo’jaligi kafedrasi bilan hamkorlikda o’tkazilgan “Pandemiya sharoitida ta’lim tizmini rivojlantirish imkoniyatlari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyaning maqolalari ifodalangan. Anjuman to’plamidan Oliy va kasb-hunar ta’limi, umumta’lim maktab o’qituvchilari, katta ilmiy xodim, mustaqil tadqiqotchi va izlanuvchilar, magistr va bakalavr talabalari, o’rta maxsu s, kasb-hunar ta’limi o’quvchilari foydalanishlari mumkin.

Mas’ul muharrirlar:

Z.S.Nurov - Buxoro davlat universiteti, Turizm va mehmonxona xo’jaligi kafedrasi mudiri, i.f.n.

Taqrizchilar:

B.N.Navro’zzoda - Buxoro davlat universiteti, Servis sohasi iqtisodiyoti kafedrasi professori,

A.Ch.Boboev - Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Menejment kafedrasi dotsenti, i.f.n.

Dasturly qo’mita:

1. O.X.Xamidov - Buxoro davlat universiteti rektori, rais
2. D.Sh.Yavmutov - BuxDU Iqtisodiyot va turizm fakulteti dekani, a’zo
3. S.S.Ro’ziev - BuxDU Turizm va mehmonxona xo’jaligi kafedrasi dotsenti, a’zo
4. A.J.Abdullaev - BuxDU Iqtisodiyot kafedrasi mudiri, a’zo
5. S.U.Tojieva - BuxDU Servis sohasi iqtisodiyoti kafedrasi mudiri
6. B.N.Navro’zzoda - BuxDU Servis sohasi iqtisodiyoti kafedrasi professori
7. E.A.Farmanov - BuxDU Turizm va mehmonxona xo’jaligi kafedrasi o’qituvchisi, a’zo
8. I.O.Davronov - BuxDU Turizm va mehmonxona xo’jaligi kafedrasi o’qituvchisi, a’zo

Tashkiliy qo’mita:

1. O’. Rashidov - BuxDU prorekтори
2. O.Qahhorov - BuxDU prorekтори
3. G.Zaripov - BuxDU bo’lim boshlig’i
4. H.Hamroyev - BuxDU Turizm va mehmonxona xo’jaligi kafedra dotsenti i.f.n.
5. S.Davlatov - BuxDU dekan o’rinbosari
6. B.Isomov - BuxDU o’qituvchisi

Mazkur to’plamga kiritilgan maqolalarning mazmuni, undagi statistik ma’lumotlar, sanalarning to’g’riligiga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning shaxsan o’zları mas’uldir.

ЗОНАЛ СИЁСАТ НИМА?

Ҳамроев Х.Р.-БухДУ, доцент

Сиёсат бу давлат томонидан жамиятни бошқариш санъатидир, у ёки бу ижтимоий манфаатларни химоя килишга қаратилган ижтимоий фаолиятдир. Иқтисодий сиёсат эса Ж.М. Кейнснинг фикри бўйича «...бу давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солишдир» [3., 5.]. Иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим мақсади - ижтимоий йўқотишлиарни минимумга келтириш. Бунга эришиш учун одатий бўлиб қолган, кўп такрорланадиган ҳаракатларни тартиб билан олиб бориш зарур. Сиёсий органлар мақсадга эришиш учун вазифаларни ҳал қилишда самарали куролни танлаб билишлари керак. Ҳозирги мураккаб замон учун давлат самарали бўлиши керак, ва у ўз фаолиятини энг яхши бажара оладиган функцияларига қаратиши керак[1]. Иқтисодий сиёсатда Ўзбекистон ҳукумати ўз имконият ва ресурсларини бир неча йўналишгагина қаратиши керак. Бу йўналишлар ичida зонал сиёсат ҳам бўлиши керак. Ўзбекистон каби режали иқтисодиётни бошидан кечирган ва ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти кураётган давлат учун янги кишилар керак. Ҳорижий тажриба шуни кўрсатадики, бундай янги кишиларни, шу жумладан, тадбиркорларни, раҳбарларни эркин иқтисодий худудлар(бундан кейин ЭИХ) бериши мумкин.

Зонал сиёсат термини илмий адабиётларда жуда ҳам кам учрайди [7.136-140.]. Ҳатто Россияда энг тўлиқ деб ҳисобланадиган (7000дан ортик термин ва тушунчани ўз ичига олувчи) иқтисодий энциклопедияда[2] ҳам зонал сиёсат термини йўқ. Ўзбекистонда ҳам бу сиёсатни ифодаловчи термин деярли ишлатилмайди. Бу эса ушбу категориянинг янгилиги ва кам ўрганилганидан далолат беради.

Дастлаб, ушбу сиёсатга яқин бўлган терминларга тўхталиб ўтайлик, булар куйидагилар:

1.Регионал (ёки мінтака) сиёсат. Давлат танлаган ривожланиш стратегиясига мос мамлакат миллий маконини тартиблашга қаратилган чора - тадбирлардан иборат. Регионал сиёсат терминологиясида аник ажратилган иккита қутб - “марказ” ва “переферия” мавжуд[2.476., 4., 8.]. Бу сиёсат мана шу қутблар ўртасидаги ҳамда кўшни территориялар ўртасидаги манфаатларни зид келиб қолиши окибатида вужудга келадиган келишмовчиликларни юмшатишига алоҳида эътибор беради. Ўрни келса мамлакат иқтисодиётининг умумий самарадорлигига зид тарзда, компромиссга бориб у - ёки бу муаммо ҳал килиниши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий оқилоналик

ижтимоий оқилоналика бўйсуниб колади. Зонал сиёсат эса унинг акси, яъни муаммони ҳал қилишда асосан иқтисодий оқилоналик нуктаи – назаридан ёндошилади.

2. Ҳудудлаштириш. Бу кўпроқ географик тушунча бўлиб, яхлит бир мамлакатни нисбатан аҳамият жиҳатдан бир - бирига якин бўлган бўлакларга бўлиш тушунилади. Биз ўрганадиган категория география билан алоқаси кам бўлиб, у асосан макроиқтисодий тушунчадир (“зоналаштириш” эса ҳудудлаштиришнинг синоними деб ҳисоблаш мумкин). Биз ҳудудлаштириш терминини микродаражада ҳудуд яратиш жараённида кўллаш мақсадга мувофик, деб ўйлаймиз ва шу жараёнларни тушунтиришда ишлатганимиз. Зонал сиёсат эса бошқачароқ жараёндир.

3. Саноат сиёсати. Индустрисал (ёки саноат) сиёсатини эса миллий манфаатлар нуктан назаридан бизнес ривожини рағбатлантириш асосида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга каратилган давлатнинг чора – тадбирлари шаклида тушуниш мумкин. Бу сиёсат миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган нисбий устунликларни реализация килишга хизмат қиласи, мамлакатда ишлаб чикишининг нисбатан юқорирок технологик усулини шакланишига кўмаклашади. Аммо, бу сиёсат ўз номи билан индустрисал жамиятта характерли ёки индустрисал жамият куриш учун аскотади. Ўз эътиборини биринчи навбатда саноат ва бошка индустрисал тармоқларини жадал ўстиришга каратилган бўлади. Бундан ташқари, у постиндустриал жамият учун анахронизм бўлган давлат тадбиркорлигига катта ўрин беради. Зонал сиёсат эса, бизнинг фикримизча, асосан постиндустриал жамиятнинг мевасидир. Шундан келиб чиккан ҳолда биз “зонал” терминига тўхтадик. Бу сиёсатни номлашда энг тўғри келадиган термин – “зонал” термини деб ҳисоблаймиз.

Зонал сиёсат – бу мамлакатда ЭИХларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармок, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чукур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чикиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора - тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотини самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир куроли, деб қараш керак. Мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармок ва регионлардан жуда самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармок, регионга окишига кўмаклашувчи восита деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХлар эркин ва самарали фаолият юритиши учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат киладиган сиёсатдир, бунинг учун эса, бизнинг фикримизча:

- мамлакатда ишловчан, самарали норматив хужжатларни ишлаб чиқиши зарур;
- худудлар яратишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиши керак;
- худудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаши керак;
- солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаши керак;
- валюта тартибини аниклаб бериши керак;
- ўзаро хисоб- китоблар тартибини белгилаши керак;
- божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериши керак;
- бўлиши мумкин бўлган негатив оқибатларни бартараф этишининг иқтисодий механизмини яратиши керак;
- худудда молия - кредит сиёсатларининг тамойилларини белгилаш керак;
- хорижий инвестицияларни жалб килишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиши керак.

ЭИХларни яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларни ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлик; ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳукукий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик мухити, худуд типи, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар. Аммо, ЭИХнинг мувофакқиятли фаолияти, биринчи навбатда давлат олиб бораётган зонал сиёсатта боғлик, деб хисоблаймиз. Бундан ташкари, пухта олиб бориладиган зонал сиёсат мамлакат иқтисодиётини баркарорлашишига жуда катта ёрдам беради, хориждан катта микдорда инвестицияни оқиб келишига имкон беради, мамлакатнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келади.

ЭИХ яратиш мамлакатнинг иқтисодий ракобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. ЭИХ - бу мамлакатнинг имижи ҳам. ЭИХлар ҳатто ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қиласи. ЭИХга оқилона ёндошилганда, унинг фаолият юритиш механизмларини чукур ўрганилиб, сўнгра оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жихатдан юқорироқ даражага олиб чиқиши имконига эга. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси регионида яратилмасин, у ижтимоий лойихалардир. Худудни яратиш нафакат худуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали кайтим беради, жумладан:

- мамлакатда ишловчан, самарали норматив хужжатларни ишлаб чиқиши зарур;
- худудлар яратишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиши керак;
- худудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаши керак;
- солиқ солишиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаши керак;
- валюта тартибини аниклаб бериши керак;
- ўзаро хисоб- китоблар тартибини белгиласи керак;
- божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериши керак;
- бўлиши мумкин бўлган негатив оқибатларни бартараф этишининг иқтисодий механизмини яратиши керак;
- худудда молия - кредит сиёсатларининг тамойилларини белгилаш керак;
- хорижий инвестицияларни жалб килишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиши керак.

ЭИХларни яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларни ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлик: ташкил этиш хусусиятлари, бошкаришнинг иқтисодий ва хуқукий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик мухити, худуд типи, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар. Аммо, ЭИХнинг мувофаккиятли фаолияти, биринчи навбатда давлат олиб бораётган зонал сиёсатга боғлик, деб хисоблаймиз. Бундан ташкари, пухта олиб бориладиган зонал сиёсат мамлакат иқтисодиётини баркарорлашишига жуда катта ёрдам беради, хориждан катта микдорда инвестицияни оқиб келишига имкон беради, мамлакатнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келади.

ЭИХ яратиш мамлакатнинг иқтисодий ракобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали куролидир. ЭИХ - бу мамлакатнинг имижи ҳам. ЭИХлар хатто ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қиласи. ЭИХга оқилона ёндошилганда, унинг фаолият юритиш механизмларини чукур ўрганилиб, сўнгра оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жихатдан юкорироқ даражага олиб чиқиш имконига эга. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси регионида яратилмасин, у ижтимоий лойихалардир. Худудни яратиш нафакат худуд учун кўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали кайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулокот килишга имкон берувчи фирмаларо коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради;
- худудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин – аста уни худуддан ташқаридаги корхоналарга хам ёядилар;
- мамлакатдаги инфраструктуранинг фойдали иш коэффиценти кўтарилади;
- мамлакатда ракобат самарасини беради, яъни худуддаги корхоналар худуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўzlари билан ракобат килишга мажбур килади;
- “Тадбиркорлик сифати самараси” ни беради, яъни ЭИХ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифати, инфраструктура даражаси, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).

Хуллас, ЭИХлар фаолияти нафақат алоҳида регион иқтисодиёти, балки бутун мамлакат иқтисодиёти тараккиётини жадаллаштиришга қаратилган. Шунинг учун хам ЭИХлар яратиш регионал муаммо эмас, бутун мамлакатнинг муаммосидир.

Ривожланган мамлакатларда ЭИХлар яратишида яна бир муҳим мақсад - юкори технологияли ва илм кўп талаб қиласиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш хамда кадрлар ва интелектуал потенциалдан фойдаланиш асосида илмий - ишлаб чиқаришнинг территориал тузилмаларини ривожлантириш базасида инновацияни рағбатлантиришдан иборатдир. Бунинг учун «технопарк», «технополис» шаклидаги ЭИХ кўлланилади. Халқаро молиявий муолажаларга хизмат қилиш максадида оффшор худудлари ташкил этилади[6]. Ривожланаётган мамлакатларда зонал сиёсатдан нисбатан бошқача максадлар кўзланади: хориждан капитал, илғор технологияни жалб қилиш, замонавий менежмент, маркетинг, бизнес бўйича тажрибани кўлга киритиш, иш кучини сифатини яхшилаш, валюта ишлаш каби максадлар устуворрок бўлади. Ривожланаётган мамлакатларда худудлар яратишидан муҳим аҳамиятга эга бўлган максадларга яна қўйидагиларни киритиш мумкин: экспорт ишлаб чиқариш ва импортни ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни рагбатлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, ички бозорни озиқ-овқат ва саноат товарлари хамда социал-иктисодий хизматлар билан бойитиш, кишлок хўжалиги инфраструктурасини ривожлантириш, туризм, дам олиш, кимор базасини ривожлантириш, илм

кўп талаб килувчи юқори технологияли ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш кабилардан иборат.

Иктисодий тараккиёт жихатдан унчалик яхши ривожланмаган мамлакатлар учун зонал сиёсат хорижий капитал, илғор технология ва бошқариш тажрибасини жалб қилиш, экспортни рағбатлантириш, бандликни ошириш, кадрларни тайёрлаш, валюта ишлаш куроли сифатида қаралади.

Ўтиш даври иктисодиёти давлатларида зонал сиёсат кўплаб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлади[7.138.]. Шунинг учун бизнинг фикримизча, зонал сиёсат бу давлатларда иктисодий сиёсатининг ўта мухим бўлган қисмидир ҳамда уни структура, илмий - техника, саноат, регионал сиёсатлар билан бирга олиб қараш мақсадга мувофик, деб ҳисоблаймиз. Айниқса зонал сиёсатининг регионал сиёсат билан бирлиги мухимдир. Чунки уларнинг натижаси бир-бирига тескаридек кўринади (лекин окилона, бир-бирини тўлдирувчи сиёсат олиб борилганда жуда яхши натижа бериши мумкин).

Зонал сиёсатининг бош вазифаси – жамиятни, шу жумладан, иктисодиётни либераллаштириш жараёнини қайси тармоқда, қайси соҳа ва регионда қай тарзда, суръатда ва йўсинда олиб боришини аниқлашдан иборат. Чунки жуда мураккаб жараён бўлган либераллаштириш бир акт билан, ҳамма жойда ва соҳада бир тарзда боради, деб ўйлаш утопиядир. Бундан ташқари, кейинги бир неча минг йиллар давомида тоталитар мухитда яшаган кишилар осонгина эркинликни қабул килади, деб ўйлаш ҳам утопиядир. Шунинг учун ҳам миллатда бу жараённи стихияли тарзда содир бўлмаслиги учун пухта ўйланган чора – тадбирлар тизимиға, яъни зонал сиёсатга эга бўлиши керак. Ўзбекистон каби собик социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, бу жамиятлар нафакат узоқ вакт тоталитар тизимда яшаган, балки тоталитаризмнинг ёмон кўринишларидан бири бўлган социализмни бошидан кечирган. Унинг оқибатида эркинлик инстинктлари анча сусайиб колган. Шунинг учун жамиятни, шу жумладан, иктисодиётни либераллаштириш осонлик билан, силлиққина, қаршиликсиз, курашсиз кечмайди. Жамият хаётини либераллаштиришда синалган курол – ЭИХ бўлганлиги учун, бу куролни ишлашига шароит яратиш, унинг ижобий ютукларини бутун жамиятга тарқатиш, мамлакатнинг қайси худудида, қайси соҳа ва тармогида либераллаштиришнинг қай бир унсурини киритишни аниқлаш зонал сиёсатининг вазифаларидан ҳисобланади.

ЭИХлар жаҳон бўйича жуда тез тарқалаётганилиги натижасида, у маҳсус товарга айланиб бормоқда. Бу товарни реализацияси эса ҳар кандай товар сингари талаб ва таклиф динамикасига боғлиқ. Бунда инвестициялар

Туғрисида қарор қабул қилиш жараёнида инвестор билан худуд манбаатларининг келишуви жуда муҳим аҳамият касб этади. Қарор қабул қилиш ёки килмаслик у ёки бу ЭИҲнинг тақдирини, худуд фаолиятининг муваффакияти ёки муваффакиятсизлигини охир – оқибат белгилайди. Шу боис зонал сиёсатнинг кейинги муҳим вазифаси мамлакатда мавжуд ЭИҲларнинг мамлакат ичида ва мамлакатдан ташқарида яхши номга эга бўлиши учун қайғуриши, яъни уларнинг имижини саклаб туриш ва кўтариш устида бош қотириши керак.

Демак, давлатнинг зонал сиёсат билан шуғулланадиган идоралари мамлакатдаги мавжуд ЭИҲларнинг имижини яхшилаш учун шу борада доимий равишда иш олиб боришлари керак. Хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, ЭИҲларни яратиш мамлакат миллий ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлиши керак. Бунинг учун пухта ўйланган зонал сиёсат ишлаб чикилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Алексеев С.С. Власть и экономика. Радикальная экономическая реформа: истоки, проблемы, решения.- М., 1999г.

Большая экономическая энциклопедия. - М.:Эксмо, 2007.- 816с.

Бункина М.К., Семенова А.М., Семенов В.А. Макроэкономика: Учебник. - 3-е изд. М.: Издательство “Дело и сервис”, 2000.- 512с.

Ганиев Б., Ахмедов Т. Актуальность региональной политики в Республике Узбекистан. //Ж: Экономическое обозрение. - 2005г., N 1, стр. 26-30.

Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. М. 1999г. - 352с.

Семенов Г. Развитие свободных экономических и оффшорных зон. //Ж: Росс. Экон. журн. - 1995- № 11 34-44 с.

Смородинская Н., Капустин А. Свободные экономические зоны: мировой опыт и перспективы. //Ж: Вопросы экономики. - 1994г. № 12.- 126-141с.

Солиев А.С., Ахмедов Э.А., ва бошқ., Минтакавий иқтисодиёт., Т.: Университет, 2003. - 53 б.

РОЛЬ ТУРИЗМА В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

Исомов Б.С.-БухДУ

Сегодня туризм как стратегическая сфера может способствовать достижению целей устойчивого развития и должен эффективно использоваться для обеспечения экономического роста и сокращения уровня безработицы. Основные цели и задачи развития сферы туризма согласно

Зонал сиёсат нима?

2

Хамроев Х.Р.-БухДУ, доцент

7

Роль туризма в развитии экономики страны
Исомов Б.С.-БухДУ

Problems and prospects for the development of pilgrim tourism in Uzbekistan

Jurayev Abror Turobovich, PhD

Vice-Rector, Docent, Faculty of Economics and Tourism, Bukhara State University,
Uzbekistan. e-mail: a.t.juraev@buxdu.uz, +998907150315

Tajibayev Shokhrukh Maqsudovich

Student, Faculty of Economics and Tourism, Bukhara State University, Uzbekistan
e-mail: ShoxruxTojiboyev0496@gmail.com. +998914048422

Тұдакұл сүв хавзасыда туристик худуд яратыши масалалари

12

Хамроев Х.Р., БухДУ доценти

18

Система образования в условиях пандемии.

Мухидов Х. Региональный центр ППиПК работников СНО Бухарской области

21

Hotel staff professional development and sample plan of training program

Khalimova Nigina Jafarbekovna

24

Master student of Economy and Tourism faculty, BSU

Aminova Niginabonu Baxriddinovna

Bachelor student of Economy and Tourism faculty, BSU

Milliy hunarmandchilik brendini yaratishning turizmni rivojlantirishdagi iqtisodiy
ahamiyati

28

Ro'ziyeva Gulinoz Fatilloyevna. Buxoro davlat universiteti

"Turizm va mehmonxona xo'jaligi" kafedrasi o'qituvchisi gulinozr@mail.ru

36

Favqulotda vaziyatlarda turizmni rivojlantirish dolzarbligi

Tadjibaev M.B. BuxDU, Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasi o'qituvchisi

38

Интегрированный подход к обучению в образовательном процессе

Раупова И.М. Бухарский архитектурно технологический институт

42

Таълим – тарбия ва миллий маданиятнинг уйғулиги

Раупова И.М. Бухоро мухандислик технология институти

45

Пандемия шароитига хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамияти

Кутлиева М.Г. Бухоро Давлат Университети

48

Ingliz tili darslarini tashkil etishda inovatsion texnologiyalardan foydalanishning
dolzarbligi

48

Haydarova Mubina. Buxoro shahar 10- maktab o'qituvchisi

50

Формирование компетенций у учащихся на уроках чтения

Аббосова М.Х. Учительница школы № 1 г.Бухары

53

Дидактическая игра-как педагогическое явление

Рузиева Зебинисо Саматовна заместитель директора по УВР,

55

город Бухара 36 –СОГШ

Inqirozli vaziyatlada ta'lim tizimida innovatsion uslublarni ishlab chiqishning zaruriyati

55

Bakayev Z., Avezov T. Buxoro viloyat XTXQTUMO hududiy markazi

58

Проблемы обучения учащихся в условиях чрезвычайных ситуаций

Хакимова Даурен Абубекировна Учительница школы № 1 г.Бухары

61

Darslarda hamkorlik - o'qitish texnologiyalaridan foydalanish

Murtazaeva Z. Buxoro shahar 1-o'rta umumiy ta'lim maktabi

63

Приоритетные направления теоретического и практического развития туризма

63

Файзиева С. К. БухГУ. Кафедра «Туризма и гостиничного хозяйства»

“Fayz Print” MChJ

Bichimi 60x84. Kegli 13 shponli. «Times» garn.

Ofset qog‘ozi. Bosma tabog‘i 24. Adadi kelishilgan shartlarda.

Bahosi kelishilgan narxda